



2018 yil "06" ЯНВАРЬ № 03

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 декабрдаги 1025-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сонли Фармони, 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланшини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1025-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Истеъмолчиларнинг айрим тоифаларига 2018 йил 1 январдан бошлаб табиий газ ва электр энергияси учун оширилган тарифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжиахмедов, “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Джалилов), “Фарғонагаз” ҳудудий филиали (Ниязметов), вилоят телерадиокомпанияси (Мамарасулов), “Фарғона ҳақиқати” (Тешабоев) ва “Ферганская правда” (Саидганиева) тахририятлари шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари жалб этган ҳолда ушбу қарорнинг мақсадлари ва мазмунини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар, бунда истеъмолчилар томонидан энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга, сертификатланган ва энергия жихатидан самарали ускуналар ва приборлар қўлланилишига алоҳида эътибор берилсин.

4. “Ўздавэнергоназорат” Фарғона ҳудудий инспекцияси (Эшқўзиев), “Ўздавнефтегазинспекция” Фарғона ҳудудий бўлими (Темиров) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда иловада кўрсатилган ташкилотларга улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жихатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан (кўмир ёқилғисидан) фойдаланиш тўғрисида хулосалар берилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишига назорат қилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжиахмедов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев

**Вилоят ҳокимининг
2018 йил йил январдаги
.....-сонли қарорига
илова**

Табиий газ* ва электр энергиясини реализация қилишда уларга
нисбатан нарх белгилашнинг алоҳида тартиби белгиланадиган
истеъмолчи ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

| Истеъмолчи ташкилотлар | Тўлов қуйидагилар учун амалга оширилади: | |
|--|--|--|
| | Табиий газ | Электр энергияси |
| 1. Пиширилган ғишт, асфальт ва цемент ишлаб чиқарувчи, энергия жиҳатидан самарали технологиялар ва ускуналарни жорий этган, шунингдек ёқилгининг муқобил турларидан (кўмир ёқилғисидан), шу жумладан, цемент ишлаб чиқаришнинг “қуруқ усули”дан фойдаланувчи корхоналар. | Ушбу рўйхатга киритилмаган истеъмолчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффицент қўлланилган ҳолда | Амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффицент қўлланилган ҳолда |
| 2. Пиширилган ғишт, цемент, асфальт ишлаб чиқарувчи корхоналар (ушбу илованинг 1-бандида кўрсатилган корхоналар бундан мустасно). | 1 куб.м учун 1000 сўм | |
| 3. Оҳақтош ва гипс қазиб олувчи, қайта ишловчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар. | | |
| 4. Бетон ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар. | | |
| 5. Иссиқхона ва иссиқхона-парник хўжаликлари. | | |
| 6. Чинни ва фаянсдан буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар. | | |
| 7. Ресторанлар, кафе, тантаналарни ўтказиш объектлари ва бошқа умумий овқатланиш объектлари (меҳмонхоналар ва уларга тегишли бўлган ҳудудда жойлашган объектлар бундан мустасно). | | |
| 8. Гипс-картон, йўлакбоп ва керамика плиталари, брусчаткалар, керамик ва цемент-қум черепицалар, қуруқ қурилиш аралашмалари, шунингдек, қувур буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар. | | |

**) Ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиши учун табиий газ қазиб олиши ва уни ташишни амалга оширувчи қўйма корхоналар ва хорижий корхоналарга табиий газ етказиб бериш тузилган контрактлар шартларига мувофиқ нархлар бўйича, бироқ экспортга етказиб бериш нархидан паст бўлмаган нархларда амалга оширилади.*

****) Электр энергиясига ҳақ тўлаш учун амалдаги тарифга нисбатан коэффицент уланган қуввати 750 кВАгача бўлган истеъмолчилар учун қўлланилади.*